

ПРИЛОЖЕНИЕ N 2

к [Постановлению](#) КМ РУз

от 02.04.1992 г. N 159

ПОЛОЖЕНИЕ

о Комитете по делам религий

при Кабинете Министров

Республики Узбекистан

1. Комитет по делам религий при Кабинете Министров Республики Узбекистан является государственным органом, созданным в соответствии с [Указом](#) Президента Республики Узбекистан “Об образовании Комитета по делам религий при Кабинете Министров Республики Узбекистан” для реализации конституционных гарантий и требований [Закона](#) Республики Узбекистан “О свободе совести и религиозных организациях”, обеспечения прав граждан на свободу совести независимо от их отношения к религии, равенства всех религий, вероисповеданий и убеждений перед [Законом](#), а также укрепления связей и обеспечения тесного сотрудничества государственных органов с религиозными центрами и организациями, координации их связей с государствами СНГ и зарубежными странами.

Комитет по делам религий осуществляет консультативные, экспертные, контрольные и информационные функции.

2. Комитет по делам религий в своей деятельности руководствуется [Конституцией](#) Республики Узбекистан, законами и иными решениями Верховного Совета Республики Узбекистан, указами, постановлениями и распоряжениями Президента Республики Узбекистан, постановлениями и распоряжениями Кабинета Министров, а также настоящим Положением.

3. Комитет по делам религий для выполнения возложенных на него функций и полномочий: обеспечивает выполнение религиозными центрами, организациями, духовными учебными заведениями, религиозными издательствами, должностными лицами и гражданами требований [Закона](#) Республики Узбекистан “О свободе совести и религиозных организациях”, гарантирующего права граждан на определение и выражение своего

отношения к религии, на беспрепятственное исповедание религии и исполнение религиозных обрядов, а также на защиту интересов граждан независимо от их отношения к религии;

участвует по поручению Правительства Республики Узбекистан в разработке проектов нормативных документов, касающихся свободы совести и деятельности религиозных организаций, подготавливает официальные экспертные заключения по представленным в Комитет проектам соответствующих законодательных актов Республики Узбекистан, постановлений и распоряжений Кабинета Министров при Президенте Республики Узбекистан;

представляет Кабинет Министров при Президенте Республики Узбекистан по его поручению во взаимоотношениях с религиозными организациями, а также в связях с учреждениями за границей, аналогичными государственному органу республики по делам религий;

обеспечивает установление тесного взаимодействия и сотрудничества государственных органов с религиозными организациями всех конфессий, расположенными и функционирующими на территории республики;

оказывает по просьбе религиозных организаций содействие в достижении договоренностей с государственными органами и необходимую помощь по вопросам, требующим их решения; способствует укреплению взаимопонимания и терпимости между религиозными организациями различных вероисповеданий внутри республики и за ее пределами;

представляет в государственной политике интересы религиозных организаций всех конфессий, зарегистрированных в установленном порядке в соответствующих органах юстиции республики;

дает разъяснения и консультации министерствам, государственным комитетам и ведомствам, должностным лицам и гражданам о порядке применения законодательства Республики Узбекистан в части осуществления государственных принципов по вопросам свободы совести и вероисповедания;

запрашивает и получает от министерств, государственных комитетов, ведомств и организаций республики, а также местных органов государственного управления сведения и материалы по вопросам исполнения Закона “О свободе совести и религиозных организациях”;

проводит совместно с хокимами областей, городов и районов республики единую государственную политику в решении всех религиозных вопросов;

создает банк данных о религиозных организациях в Республике Узбекистан, об исполнении Закона “О свободе совести и религиозных организациях”, а также о зарубежном законодательстве и международно-правовых актах по вопросам свободы совести;

проводит республиканские совещания и другие мероприятия, относящиеся к его компетенции.

4. Комитет по делам религий возглавляет председатель, назначаемый Кабинетом Министров при Президенте Республики Узбекистан.

Председатель Комитета имеет первого заместителя и заместителя, назначаемых Кабинетом Министров при Президенте Республики Узбекистан. Распределение обязанностей между заместителями производится председателем Комитета, закрепление консультантов и референтов за областными и городскими хокимами - первым заместителем.

5. В целях проведения религиоведческой экспертизы и подготовки официальных экспертных заключений при Комитете по делам религий действует экспертный совет, создаваемый из предоставленных различных организаций всех конфессий, религиоведов, специалистов по проблемам прав человека. Персональный состав экспертного совета и положение о нем утверждаются постановлением Комитета по делам религий при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

6. Для широкого привлечения общественности к рассмотрению вопросов религий в качестве совещательного органа при необходимости на местах создается на согласованной основе консультативный совет во главе с заместителем хокима области, города и района, а также из представителей религиозных организаций всех конфессий, общественных объединений, ученых, специалистов-практиков.

7. Комитет по делам религий при Кабинете Министров Республики Узбекистан имеет печать с изображением Государственного герба Республики Узбекистан и со своим наименованием.

P.S. Весь документ доступен только на узбекском языке.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
қарори

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 4 сентябрдаги ПҚ-4436-сон [карори](#) ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита тўғрисида низом [1-иловага](#) мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг [2-иловага](#) мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳукуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси А.Т. Ахмедов зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, маданият, маънавият, оммавий ахборот воситалари, ижодий ва жамоат ташкилотлари масалалари котибиятига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,

2019 йил 23 ноябрь,

946-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 ноябрдаги 946-сон [карорига](#)

1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита (кейинги ўринларда Кўмита деб аталади) нинг мақоми, асосий вазифалари, функциялари, хукуклари, жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш ва хисобот бериш тартиби, шунингдек, унинг раҳбарларининг функционал вазифалари ва масъулиятини белгилайди.

2. Кўмита:

дин ишлари соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлашга масъул ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади;

жамиятда «жаҳолатга қарши маърифат» улуғвор гояси асосида диннинг асл инсонпарварлик моҳиятини, эзгулик, тинчлик ва инсонийлик каби фазилатлар азалий қадриятлар ифодаси эканлигини тарғиб этиш мақсадида барча давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларига бу борадаги фаолиятни амалга оширишга кўмаклашади;

мамлакатдаги диний-ижтимоий жараёнлар ҳамда диний бағрикенгликни таъминлаш масалаларини ўрганиш натижалари асосида илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, тарғибот ва ташвиқот тадбирларини ўтказиш чораларини кўради.

3. Кўмита ўз фаолияти юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунади ва ҳисобот беради.

4. Кўмита тузилмаси Кўмитанинг марказий аппаратидан иборат.

5. Кўмита ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси [Конституцияси](#) ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун хужжатларига, шунингдек, мазкур Низомга амал қиласди.

6. Кўмита ўз фаолиятини давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар, шу жумладан халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

7. Кўмитанинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

8. Кўмита юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири ва ўз номи туширилган муҳр ва бланкаларга, мустақил балансга, шахсий ғазна ҳисобварақларига, банк хисоб рақамларига, шу жумладан хорижий валютадаги банк хисоб рақамларига эга бўлади.

9. Қўмитанинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита;

қисқартирилгани — Дин ишлари бўйича қўмита;

б) рус тилида:

тўлиқ — Комитет по делам религии при Кабинете Министров Республики Узбекистан;

қисқартирилгани — Комитет по делам религии;

в) инглиз тилида:

тўлиқ — Committee of religious affairs under the Cabinet of Ministers Republic of Uzbekistan;

қисқартирилгани — Committee of religious affairs.

10. Қўмитанинг жойлашган жойи (пошли манзили): Тошкент шахри, Шайхонтоҳур тумани, А. Навоий кўчаси 4-йи.

2-боб. Қўмитанинг асосий вазифалари ва функциялари

11. Қўйидагилар Қўмитанинг асосий вазифалари ҳисобланади:

виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ дин ишлари соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг дунёвий давлат тамойилини амалий рўёбга чиқариш,

фуқароларнинг виждан эркинлиги кафолатларини ҳимоя қилиш;

диний мутаассиблик ва экстремизм ғояларини тарқатиш, турли конфессиялар ўртасида адоватни юзага келтиришга қаратилган хатти-харакатларга йўл қўймаслик чораларини кўриш;

жамиятда диний-маърифий мұхит барқарорлиги ва эътиқод эркинлигига таҳдид туғдириши мүмкін бўлган омилларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ушбу жараёнларда диний-маърифий соҳа вакилларининг иштироқини кенгайтириш;

давлат органларининг диний ташкилотлар билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлигини мувофиқлаштириш ҳамда давлат сиёсатида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган диний ташкилотлар манфаатларини акс эттириш;

аҳоли орасида конфессиялараро тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш;

фуқароларнинг хорижий давлатларга ҳамда чет эл фуқароларининг Ўзбекистонга зиёрат туризмини амалга ошириши учун шарт-шароитлар яратиш;

экстремизм, сепаратизм ва мутаассиблик ғоялари таъсирига тушиб қолган шахсларни, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни соғлом ҳаётга қайташи, жамиятда тинчлик ва тотувлик мұхитини мустаҳкамлаш борасида маърифий-тарбиявий ишларни олиб бориш, бу борада илғор хорижий тажриба асосида таклифлар тайёрлаш;

манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳолининг диний-ижтимоий жараёнларга муносабатини ўрганиш бўйича ижтимоий сўровларни ташкил этиш.

12. Қўмита ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни бажаради:

а) виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ дин ишлари соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириши борасида:

маҳаллий давлат ҳокимиюти органлари билан биргаликда виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ диний масалаларни ҳал қилишда ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

давлат органларининг диний ташкилотлар билан ўзаро муносабатларини мувофиқлаштиради ҳамда виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси юзасидан назоратни амалга оширади;

дин соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий мақсади, вазифалари ва принципларини кенг жамоатчиликка, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбар ва ходимларига тушунтириш, уларнинг фаоллиги, ташаббускорлигини ошириш ишларини олиб боради; диний таълим муассасалари фаолияти белгиланган тартибда лицензияланиши, лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши юзасидан назоратни ташкил қиласи, лицензиялар реестрини юритади; диний ташкилотларнинг, шу жумладан диний таълим муассасаларининг фаолиятини, уларнинг ўқув жараёни ва дастурларини, ўқув-тарбиявий ишларини, фанлар бўйича ўқув режаларини, диний мавзудаги илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштиради, уларга ушбу фаолиятни амалга оширишда ташкилий, ҳуқуқий, методик ёрдам кўрсатади; республикада чиқариладиган ёки чет эллардан келтириледиган диний тусдаги маҳсулотларни (матбуот ва электрон нашрларни, аудио, видео кассеталарни, CD, DVD ва бошқа электрон ташувчиларни, Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштирилган диний материалларни) экспертизадан ўтказади ва мазкур фаолиятни мувофиқлаштиради; виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар фаолиятига тааллуқли норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишида қатнашади;

б) Ўзбекистон Республикасининг дунёвий давлат тамоилини амалий рўёбга чиқариши, фуқароларнинг виждан эркинлиги кафолатларини ҳимоя қилиши борасида:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, шунингдек, диний эътиқодидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси худудида истиқомат қилувчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг диний эркинлигини таъминлашнинг қонуний чораларини кўради; дунёвий давлат тамоилини амалий рўёбга чиқариш, фуқароларнинг виждан эркинлиги кафолатларини ҳимоя қилиш борасида тегишли чоралар белгилайди ҳамда манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўяди; диний ташкилотлар раҳбарларининг дунёвий давлат тамоиллари, Ҳукуматнинг диний соҳадаги сиёсати моҳияти, амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақидаги тушунча ва дунёқарашини кенгайтириш мақсадида маърифий тадбирлар ташкил этиб боради; виждан эркинлиги кафолатларининг бузилиши ҳолатларига нисбатан тезкор чоралар кўради; диний ташкилотларнинг ибодат маросимларида ўқиладиган маърузалар мазмуни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига ҳамда дунёвий давлат тамоилига мувофиқ бўлишини таъминлади;

рўйхатдан ўтган диний ташкилот аъзоларининг эркин ибодат қилиши, диний расм-руsumларни адо этиши учун шарт-шароитлар яратишида ҳамкорлик қиласи;

в) диний мутаассиблик ва экстремизм ғояларини тарқатиш, турли конфессиялар ўртасида адоватни юзага келтиришига қаратилган ҳатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик чораларини кўриши борасида:

диний мутаассиблик ва экстремизм ғояларини тарқатиш, турли конфессиялар ўртасида адоватни юзага келтириш ҳамда диний вазиятга салбий таъсир этувчи омилларни ўрганиш ва бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишида илмий-тадқиқот институтлари, ташкилотлар ва таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўяди; Ўзбекистонда ва хорижда юз бераётган диний-ижтимоий соҳага оид муҳим воқеаларни чукур таҳлил қилиш ҳамда республикадаги барқарор диний-ижтимоий вазиятга таҳдид солиши мумкин бўлган салбий ҳолатларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш мақсадида республикада фаолият кўрсатаётган бошқа таҳлилий марказлар билан ҳамкорлик ва тажриба алмашибни амалга оширади;

тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш ман этилган, Ўзбекистон Республикаси худудида муомалада бўлиши тақиқланган диний мазмундаги материалларнинг рўйхатини ҳар йили камида икки марта хизмат доирасида фойдаланиш учун эълон қиласи;

«жаҳолатга қарши маърифат» ғояси асосида маънавий-маърифий тарғибот тадбирларни кучайтириш, диний вазият ўзгарувчан бўлган ҳудудлар бўйича манзилли «йўл хариталари»ни ишлаб чиқади;

диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни кенг тарғиб этиш ҳамда «Uz» доменида фаолият юритаётган диний-маърифий йўналишдаги веб-сайтларда экстремизм ва терроризмга қарши қаратилган тарғибот ишларини амалга оширишни ташкил этади;

г) жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва эътиқод эркинлигига таҳдид тугдирини мумкин бўлган омилларни ўрганиши, таҳлил қилиши ва уларнинг олдини олишига қаратилган чораларни кўриши, шунингдек, ушбу жараёнларда диний-маърифий соҳа вакилларининг иштирокини кенгайтириши борасида:

республика ҳудудлари ва хорижий давлатлардаги диний-ижтимоий жараёнларни ўрганади, таҳлил қиласи, давлат органлари ва диний ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар масалалари бўйича ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлайди;

республикада диний-ижтимоий вазиятни мониторинг ва таҳлил қилишни амалга оширади, маънавий муҳитни яхшилаш ва барқарорлигини таъминлаш, диний вазиятни янада соғломлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

диний мавзуларга оид нашрлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва оммавий ахборот воситалари материалларини чуқур таҳлил қиласи;

диний-маърифий соҳада аҳоли, айниқса, ёшларнинг хуқуқий маданияти ва билимини юксалтириш, жамиятда бағрикенглик ғояларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш бўйича чоралар кўради;

аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг диний ва дунёвий қарашларини ривожлантиради; жамиятда экстремизм ғоялари тарқалишининг олдини олиш, аҳолини ноанъанавий диний ҳаракатлар ва таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириша иштирок этади;

д) давлат органларининг диний ташкилотлар билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлигини мувофиқлаштириши ҳамда давлат сиёсатида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган диний ташкилотлар манфаатларини акс эттириши борасида:

давлат органлари ва муассасаларининг республика ҳудудида жойлашган диний ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди;

диний ташкилотлар илтимосига кўра, уларнинг давлат органлари билан ўзаро алоқаларига кўмаклашади ва ҳал этилиши талаб қилинадиган масалалар бўйича зарур ёрдам кўрсатади; диний ташкилотлар, шунингдек, хорижий диний ташкилотлар билан ўзаро муносабатларга доир масалалар бўйича ишларни олиб боради;

давлат сиёсатида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган диний ташкилотлар манфаатларини акс эттиради;

диний ташкилотларнинг давлат рўйхатидан ўтиши учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлашда ҳамкорлик қиласи;

диний ташкилотлар томонидан ўтказиладиган уларнинг ўз фаолияти билан боғлик тадбирларида қатнашади;

е) аҳоли орасида конфессиялараро тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бории борасида:

фуқароларнинг виждан ва дин эркинлиги масалалари юзасидан хуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича кенг қамровли ишларни амалга оширади;

диний ташкилотларга республикада ва чет элларда ўзаро дўстона муносабатлар ўрнатишга кўмаклашади;

диний ташкилотлар ва уларнинг аъзолари ўртасида ўзаро дўстлик ҳамда бағрикенгликни мустаҳкамлаш сиёсатини олиб боради, ушбу соҳада ташкилий ва маънавий-маърифий ишларни амалга оширади;

диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни, диний бағрикенгликті мустаҳкамлаш борасыда тарғибот ва ташвиқот ишларида нодавлат нотижорат ташкилоттар билан биргаликда ҳамкорлик қиласы;

ж) *фуқароларнинг хорижий давлатларга ҳамда чет эл фуқароларининг Ўзбекистонга зиёрат туризмини амалга ошириши учун шарт-шароитлар яратиш борасыда:*

«Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига борадиган фуқаролар рўйхатининг холисона ва ижтимоий адолат мезонлари асосида шакллантирилишини мувофиқлаштиради ҳамда муқаддас зиёратларни ташкил қилишда белгиланган тартибга қатъий риоя этилишини таъминлайди; зиёратларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнларини кузатиб боради, таҳлил қиласы, йўл қўйилган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича кўрсатмалар беради; оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан чет элларда Ўзбекистон Республикасининг ислом цивилизациясининг маданий, тарихий ва илмий-маънавий марказларидан бири сифатидаги ўрни ва роли, шунингдек, диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислохотларни тарғиб этиш ишларини олиб боради;

республика ва хорижий давлат муассасалари, диний ташкилотлар ўртасида зиёрат туризми соҳасида алоқалар ўрнатиш ва ривожлантириш масаласида ишларни ташкил қиласы;

зиёрат туризми тармоғини бошқаришни тубдан такомиллаштириш, миллий зиёрат туризми маҳсулотларини яратиш ва уларни жаҳон бозорларида тарғиб қилиш, диний туризм соҳасида Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини шакллантириш бўйича таҳлилий маълумотлар тайёрлайди;

3) *экстремизм, сепаратизм ва мутаассиблик ғоялари таъсирига тушиб қолган шахсларни, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни соғлом ҳаётга қайтариши, жамиятда тинчлик ва тотувлик мұхитини мустаҳкамлаш борасида маърифий-тарбиявий ишларни олиб бориши, бу борада илгор хорижий тажриба асосида таклифлар тайёрлаши борасыда:*

экстремистик гурӯхлар таъсирига тушиб қолган шахсларни тўғри йўлга қайтариш ва реабилитация қилиш бўйича комплекс профилактика чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширища ҳамкорлик қиласы;

экстремистик гурӯхлар фаолиятини аниқлаш ва унга чек қўйишга кўмаклашади; террорчилик ва экстремизмни тарғиб қилишга, хориждан шу мақсадда мамлакатга даъватчиларнинг ноқонунний кириб келишига қарши ҳуқуқни муҳофаза килувчи идоралар билан ҳамкорликда чоралар кўради;

жойлардаги оммавий ахборот воситалари, расмий диний ташкилотлар билан биргаликда ноқонунний диний оқим ва гурӯхларнинг фаолияти, диннинг террорчилик, экстремизм ва бошқа жиноий қўринишларга зид эканлиги ҳақида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини ташкил этади;

турли бузғунчи оқимлар таъсирига тушиб қолган шахслар билан ишлаш бўйича хориж тажрибасини ўрганади;

миллий қадриятлар, урғ-одатлар, муқаддас анъаналар, маънавиятимизга салбий таъсир кўрсатадиган таҳдидларга қарши қаратилган тизимли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боради;

ёшлар ва хотин-қизлар орасида бузғунчи ва ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш, бундай ғоялар таъсиридан асрашга қаратилган тизимли ва таъсирчан чора-тадбирларни амалга оширади;

миллий, диний анъаналар, урғ-одатлар ҳамда қадриятларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, жамиятда миллатлараро дўстлик, ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайди;

экстремизм, сепаратизм ва мутаассиблик ғоялари таъсирига тушиб қолган хотин-қизларни соғлом ҳаётга қайтариш борасида илгор хорижий тажриба асосида таклифлар тайёрлайди;

и) тегишили маҳаллий ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳолининг диний-ижтимоий жараёнларга муносабатини ўрганиши бўйича ижтимоий сўровлар ўтказиши борасида: диний-ижтимоий жараёнларни ўрганиш юзасидан ўтказиладиган социологик сўровномаларнинг назарий жиҳатларини ишлаб чиқишида иштирок этади; аҳолининг диний-ижтимоий жараёнларга муносабатини тадқиқ қилиш бўйича хориж тажрибасини ўрганиб боради ҳамда уларнинг ижобий жиҳатларини маҳаллий сўровномаларга жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади; ўтказилган социологик сўровномаларнинг натижалари бўйича таҳлилий маълумот ва таклифлар тайёрлади.

13. Кўмита ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарлари орқали амалга оширади.

3-боб. Кўмитанинг хуқуqlari va жавобгарлиги

14. Кўмита ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуидаги хуқуqlарга эга:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимиёт органлари ва бошқа давлат ташкилотларидан Кўмита ваколатларига кирувчи масалалар бўйича хужжатлар, статистик маълумотлар, таҳлилий материаллар, хулосалар ва бошқа ахборотни текин олиш; Кўмитага юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ норматив-хуқуқий ва бошқа хужжатларнинг лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Президенти

Администрациясига ёки Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда киритиш;

Кўмита ваколатига кирадиган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимиёти органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

Кўмита ваколатига тааллукли масалалар бўйича идоралараро тусга эга халқаро шартномаларни белгиланган тартибда тузиш;

Кўмита ваколатига тааллукли масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси манфаатларини халқаро даражада белгиланган тартибда ифодалаш;

Кўмита ваколатига тааллукли масалалар кўриб чиқилганда, давлат органлари ва ҳайъатлари мажлисларида иштирок этиш;

юклangan вазифалар доирасида бевосита ёки идоравий мансуб ташкилотлар орқали хорижий соҳавий идоралар, илмий ва таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш;

белгиланган тартибда Кўмита ваколатларига кирувчи масалалар бўйича хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ахборот алмасиши;

ўз ваколатлари доирасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, кўргазмалар ўтказиш, шунингдек, бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган шундай тадбирларда иштирок этиш;

ўз фаолиятини кенг ёритиш мақсадида Интернет жаҳон ахборот тармоғида расмий веб-сайтлар, шунингдек, ижтимоий тармоқларда ўз саҳифаларини яратиш;

ўз ваколатлари доирасида диний ташкилотларнинг, шу жумладан диний таълим

муассасаларининг фаолиятини, ўқув жараёни ва дастурларини, ўқув-тарбиявий ишларини,

фанлар бўйича ўқув режаларини, диний мавзудаги илмий-тадқиқот ишларини

мувофиқлаштириш, уларга ушбу фаолиятни амалга оширишда ташкилий, хуқуқий ва методик ёрдам кўрсатиш;

диний ташкилотлардан зарур ахборотларни белгиланган тартибда олиш, шунингдек, улар томонидан ўтказиладиган фаолияти билан боғлиқ тадбирларда қатнашиш;

илмий ва ноширлик фаолиятини ташкил этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш;

қонун хужжатларида белгиланган тартибда Кўмита ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, рағбатлантириш, мукофотлаш ва рағбатлантиришнинг бошқа турларини амалга ошириш; юклangan вазифаларни бажариш ва фаолиятини замонавий талабларга мувофиқ такомиллаштириш учун белгиланган тартибда кенгашлар, комиссиялар, ишчи гурухлар ва жамғармалар ташкил этиш;

алоҳида вазифаларни бажариш учун функционал бўлинмалар ташкил қилиш.

Кўмита қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15. Кўмита қўйидагилар учун жавоб беради:

ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни тегишли тарзда ва самарали бажариш, шунингдек, тегишли соҳада давлат сиёсатининг амалга оширилиши;

тегишли соҳадаги фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари бўйича параметр ва белгиланган индикаторларга эришилишини сўзсиз таъминлаш;

Кўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган, шунингдек, Кўмита раиси томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳукукий хужжатларнинг сифати, якуний натижалари ва оқибатлари;

тегишли соҳани ривожлантириш ва худудларнинг муаммоли масалаларини ҳал қилиш бўйича дастур, тадбирлар режаси, «йўл ҳариталари» ва бошқа хужжатларнинг самарали бажарилиши;

тегишли соҳада фуқаролар ва диний ташкилотларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ҳамда муҳофаза қилинишини таъминлаш.

Кўмитанинг қарорлари, унинг мансабдор шахслари хатти-ҳаракатлари бўйича шикоят қилиш қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

4-боб. Кўмита раҳбарларининг асосий функционал вазифалари

16. Қўйидагилар Кўмита раисининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси [Конституцияси](#) ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳукукий хужжатлар талабларига риоя қилиш;

2) Кўмита фаолиятига яккабошчилик тамойиллари асосида умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли хужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонун хужжатлари билан Кўмитага юклangan вазифа ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

3) дин ишлари соҳаси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан тасдиқланган комплекс дастур ва чора-тадбирлар ижросини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

4) Кўмита ва унинг таркибий бўлинмалари фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичлар, мақсадли индикаторлар, сифатга ва ривожлантириш дастурларининг самарали амалга оширилишига эришишини сўзсиз таъминлаш юзасидан амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

5) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг таркибий бўлинмалари ва Вазирлар Маҳкамасининг котибиятлари, шунингдек, тегишли вазирликлар ва идоралар билан Кўмита фаолияти соҳасига кирадиган масалалар бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш, масалаларнинг Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида кўриб чиқилишида иштирок этиш;

6) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosарлари ва Бош вазир маслаҳатчилари топшириқларининг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижро этилишини ташкил этиш;

7) ўз ўринbosарларининг ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, Кўмита бошқа мансабдор шахсларининг ваколатларини белгилаш, Кўмита фаолиятининг алоҳида бўлинмаларига раҳбарлик қилиш борасида ўринbosарлари ва бошқа мансабдор шахсларининг шахсий жавобгарлик даражасини белгилаш;

- 8) Кўмита фаолиятини режалаштиришни ташкил қилиш, Кўмита ва ўринбосарларнинг ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг ижроси ҳолатини назорат қилиш;
- 9) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириклари ижросини ташкил этиш ва мониторингини олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Кўмита фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «[Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириклари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти](#) Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон ва «[Давлат органлари ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида](#)» 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ-3962-сон қарорларига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон [карорига](#) мувофиқ топширикларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун таркибий бўлинмалар, шунингдек, идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;
- 10) Кўмита тизимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Кўмитанинг кадрлар захирасини шакллантириш;
- 11) Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек, Кўмитага ишга қабул қилинадиган бошқа кадрларнинг профессионаллиги, ўз ишини билиши, амалий иш тажрибаси, юқори ишчанлик даражаси ва маънавий-ахлоқий сифатлари кафолатланганligини таъминлаш;
- 12) фаолият соҳасидаги масалалар бўйича норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли ишлаб чиқиш, уларнинг Вазирлар Маҳкамасига «[Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида](#)», «[Конунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида](#)»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Норма ижодкорлик фаолиятини такомиллаштириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон [Фармони](#), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги ПФ-5519-сон [Фармони](#) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси регламенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 марта 242-сон қарори билан тасдиқланган Вазирлар Маҳкамаси [регламенти](#) талабларига қатъий мувофиқ равища ўз вақтида киритилишини ташкил этиш, шунингдек, уларни Кўмитада ишлаб чиқиш, Кўмита раҳбарияти ҳузурида ҳимоя қилиш, Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиш ва қайта ишлашда иштирок этиш;
- 13) Кўмитага киритилган таклифлар ва тақдим этилган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқилишини, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси регламенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг регламентида белгиланган муддатларда ўз вақтида келишиш (виза қўйиш);
- 14) «[Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида](#)», «[Конунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида](#)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятининг намунавий [регламентига](#) мувофиқ Кўмитанинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш фаолиятини ташкил этиш;

- 15) Қўмита ваколатига кирувчи масалалар бўйича норматив-хуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, зарурат бўлганда бошқа вазирликлар ва идоралар билан тегишли қўшма қарорлар қабул қилиш;
- 16) Қўмита раҳбарлари ва ходимларининг хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «[Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида](#)» 2014 йил 5 мартағи ПҚ-2142-сон, «[Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида](#)» 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига тўла мувофиқ равишда ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, хизмат сафарларига ажратиладиган маблағлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш;
- 17) ўз ўринбосарлари ва таркибий бўлинмалар раҳбарлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигининг танқидий таҳлилини мунтазам юритиш, Қўмита ҳайъати мажлисларида уларнинг шахсий ҳисботларини эштиш, муҳокама яқунлари бўйича зарур чоралар кўриш;
- 18) Қўмита ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, ўз ўринбосарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини, шу жумладан келгусида уларнинг эгаллаб турган лавозимларида қолиш-қолмаслигининг мақсадга мувофиқлиги масалаларини кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритиш, уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича тизимли чораларни амалга ошириш;
- 19) Қўмита ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартағи 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимиёт органлари ходимларининг одоб-ахлоқ [намунавий қоидалари](#) асосида тасдиқланган Қўмита ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш;
- 20) «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси [Конуни](#) талабларига мувофиқ Қўмита тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларни содир этишга имкон яратувчи омилларни аниқлаш, таҳлил қилиш, сабаб ва шароитларини бартараф этиш;
- 21) Қўмита ва уни таркибий бўлинмалари ишини ташкил қилишнинг замонавий шакллари жорий этилишини таъминлаш;
- 22) «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси [Конунини](#) амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлиги, сифати ва очиқлигини ошириш;
- 23) жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга кўйиш, шахсий қабулларни, шу жумладан «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси [Конунида](#) ҳамда Қўмитада жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги тегишли ҳужжатларда белгилangan муддатларда ва тартибда, жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг сайёр қабулларини мунтазам ўтказиш юзасидан самарали ишларни ташкил этиш;
- 24) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, Қўмита раҳбарлари ва ходимларининг улар фаолиятида фаол иштирок этишини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан келиб тушадиган жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

- 25) давлат сири тоифасига киритилган ва маҳфий ахборот билан ишлашда қонунчилик талабларига риоя қилиш;
- 26) Қўмита марказий аппарати штат жадвали ва харажатлар сметасини, шунингдек, Қўмитанинг идоравий мансуб ташкилотлар уставларини тасдиқлаш;
- 27) марказий аппарат ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;
- 28) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этишга розилик бериш;
- 29) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарларини тегишли худуд бўйича виждан эркинлиги кафолатлари ҳамда диний-маърифий барқарорликни таъминлаш, давлат органларининг диний ташкилотлар билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлигини мувофиқлаштириб бориш борасидаги фаолияти юзасидан ҳисоботини эшитиши;
- 30) Қўмита тизимида кадрлар захирасини шакллантириш, шунингдек, тизим ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини тизимли асосда ташкил қилиш;
- 31) Қўмита соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузиш ва белгиланган тартибда ўзига юкланган вазифалар доирасида хорижий давлатларнинг органлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;
- 32) Қўмита ҳайъат мажлисларида раислик қилиш.
- Қўмита раиси қонунчиликка мувофиқ бошқа функционал вазифаларга ҳам эга бўлиши мумкин.
17. Куйидагилар Қўмита раиси ўринбосарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:
- 1) Ўзбекистон Республикаси [Конституцияси](#) ва қонунлари ҳамда бошқа норматив-хуқукий хужжатлар талабларига риоя этиш;
 - 2) Қўмита раиси вақтинча бўлмагандан, тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;
 - 3) Қўмитанинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва бевосита бошқариш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;
 - 4) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан Қўмита фаолиятининг мутасаддилик қилинадиган йўналишлари бўйича тасдиқланган Қўмита фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан комплекс дастурлар ва комплекс тадбирлар ижроси ҳолатини танқидий ва чуқур тахлил қилиш;
 - 5) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар томонидан прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича чоралар кўриш, бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботини тизимли эшитиб бориш ва белгиланган кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;
 - 6) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, шунингдек, Қўмита фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «[Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида](#)» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон ва «[Давлат органлари ташкилотларида ижро интизомини](#)

- янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ-3962-сон қарорларига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон карорига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун таркибий ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;
- 7) Кўмита ҳайъати қарорлари, Кўмита раиси буйруқлари ва топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;
- 8) Кўмита раисига мутасаддилик қилинадиган бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига кўйиш бўйича таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионаллиги, ўз ишини билиши, амалий иш тажрибаси, юқори ишчанлик даражаси ва маънавий-ахлоқий сифатлари кафолатланганлигини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чораларини кўриш, таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;
- 9) таркибий бўлинмалар томонидан норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли ишлаб чиқиши ташкил этиш, Кўмитанинг таркибий бўлинмаларида тайёрланган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини келгусида муҳокама этиш, имзолаш (виза қўйиш) учун кўриб чиқиш ва виза қўйиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси регламенти ва Вазирлар Маҳкамаси регламенти талабларига қатъий равища, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, Кўмита раиси топшириғига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасида норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиша иштирок этиш;
- 10) Кўмитага тақдим этилган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва хар томонлама кўриб чиқиш;
- 11) хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиши тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2014 йил 5 мартағи ПҚ-2142-сон, «Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августрдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига тўла мувофиқ равища ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, хизмат сафарларига ажратиладиган маблағлардан оқилона фойдаланишини таъминлаш;
- 12) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини доимий танқидий таҳлил қилиб бориш, Кўмитанинг ҳайъат йиғилишларида уларнинг шахсий ҳисботларини тинглаш, муҳокама якунлари бўйича зарур чораларни кўриш;
- 13) Кўмита фаолиятини такомиллаштириш юзасидан амалий чора-тадбирлар қабул қилиш, виждон эркинлиги кафолатлари ва диний-маърифий муҳит барқарорлигини таъминлаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун Кўмита раисига киритиш;
- 14) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан уларнинг эгаллаб турган лавозимида қолиши-қолмаслиги мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш бўйича Кўмита раисига таклифлар киритиш, уларнинг функционал масъулиятлари ва юкландган вазифалар бажарилишида шахсий масъулиятини ошириш юзасидан тизимли чораларни амалга ошириш;
- 15) Кўмита ходимлари томонидан ходимнинг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши таъминланишини назорат қилиш;

- 16) «Коррупцияга қарши курашиш тұғрисида»ғи Ўзбекистон Республикасы [Қонуни](#) талабларында мувофиқ Құмита тизимида коррупция ва бошқа хуқуқбазарларнинг олдини олиш чораларини күриш, шунингдек, хуқуқни құллаш амалиеті ва қонунчиликни такомиллаштириш бүйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларни содир этишга имкон яратувчи омилларни аниқлаш, таҳлил қилиш, сабаб ва шароитларини бартараф этиш;
- 17) Құмита раисига давлат хизматларини күрсатиши самарадорлиги, сифати ва улардан эркин фойдаланиш даражасини ошириш бүйича таклифлар киритиши;
- 18) жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини күриб чиқиш, ахоли билан тұғридан-тұғри ва очиқ мулоқотни йўлга кўйиш, шахсий қабулларни, шу жумладан, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тұғрисида» Ўзбекистон Республикасы [Қонунида](#) ҳамда Құмитада жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш тартиби тұғрисидаги тегишли ҳужжатларда белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг сайёр қабулларини мунтазам ўтказиши юзасидан самарали ишларни ташкил этиш;
- 19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, улар фаолиятида фаол иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан келиб тушадиган жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;
- 20) давлат сири ва махфий ахборотлар тоифасига кирувчи маълумотлар билан ишлашда конунчилек талабларында риоя этилишини таъминлаш;
- 21) виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тұғрисидаги норматив-хуқуқий ва бошқа соҳавий норматив ҳужжатларнинг ишлаб чиқилишини ташкил этиш;
- 22) соҳадаги малакали кадрларни тайёрлаш, тармоқ таълим муассасаларида таълим жараёнининг даражаси ва сифатини тубдан оширишда кўмаклашиш, тармоқдаги мутахассисларни, жумладан, хориждаги етакчи илмий-тадқиқот муассасаларида қайта тайёргарликдан ўтишини ва малакасини оширишни ташкил этиш;
- 23) хорижий давлатлар, халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга ошириш.
18. Қуйидагилар Құмита марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарларининг функционал вазифалари ҳисобланади:
- 1) Ўзбекистон Республикаси [Конституцияси](#) ва қонунлари ҳамда бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар талабларында риоя этиш;
 - 2) таркибий бўлинмалар фаолиятига бевосита раҳбарликни амалга ошириш, мазкур бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функциялар ижросини таъминлаш;
 - 3) ўз ваколати доирасида Құмитанинг идоравий бўйсунувидаги ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;
 - 4) прогноз кўрсаткичларни мунтазам таҳлил қилиб бориш ва қайд этилган кўрсаткичларга таркибий бўлинмалар томонидан сўзсиз эришишини таъминлашга йўналтирилган қўшимча чораларни кўриш юзасидан таклифларни кўриб чиқиш учун Құмитанинг мутасаддилик қиласиган ўринbosарларига киритиши;
 - 5) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириклари ижросини таъминлаш, Құмитанинг таркибий бўлинмаларида ижро интизомини мустаҳкамлашнинг комплекс амалий чора-тадбирларини амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «[Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириклари самарали ва натижали ижро этилиши](#), шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий

жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон, «Давлат органлари ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ-3962-сон қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон карорига мувофиқ таркибий бўлинмалар ходимлари томонидан топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишида шахсий масъулиятини ошириш бўйича чоралар кўриш;

6) Ҳайъат қарорлари, Кўмита раиси ва унинг ўринbosарлари буйруқлари ва топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

7) таркибий бўлинмаларнинг иш режаларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш учун киритиш, уларда қайд этилган вазифалар ва тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

8) таркибий бўлинмаларга юклangan вазифаларнинг ижросини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, Кўмитанинг идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятида амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш;

9) таркибий бўлинмалар фаолияти масалалари бўйича қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни кўриб учун Кўмита раҳбариятига киритиш;

10) Кўмита раҳбариятига таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионаллиги, ўз ишини билиши, амалий иш тажрибаси, юқори ишчанлик даражаси ва маънавий-ахлоқий сифатлари кафолатланганлигини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чораларини кўриш, таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

11) таркибий бўлинмалар томонидан норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини сифатли ишлаб чиқиши ташкил этиш, Кўмитанинг таркибий бўлинмаларида тайёрланган норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини келгусида Кўмита раҳбарияти томонидан қўриб чиқиш, имзолаш (виза қўйиш) учун кўриб чиқиш ва виза қўйиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси регламенти ва Вазирлар Маҳкамаси регламенти талабларига қатъий равища Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, Кўмита раҳбарияти топшириғига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси аппаратида норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиша иштирок этиш;

12) Кўмита раисига тақдим этилган таклифлар ва норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш;

13) хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2014 йил 5 мартағи ПҚ-2142-сон, «Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 авгуstdаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига тўлиқ мувофиқ равища амалга ошириш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, хизмат сафарларига ажратиладиган маблағлардан оқилона фойдаланишини таъминлаш;

14) таркибий бўлинмалар ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини доимий танқидий таҳлил қилиб бориш, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисботларини эшлиб бориш, уларни кўриб чиқиш якунлари бўйича зарур чораларни кўриш;

15) таркибий бўлинмалар ходимлари томонидан ходимнинг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш;

16) «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни талабларига мувофиқ таркибий бўлинмаларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан

- уларни содир этишга имкон яратувчи омилларни аниқлаш, таҳлил қилиш, сабаб ва шароитларини бартараф этиш;
- 17) Қўмита раҳбариятига давлат хизматларини кўрсатиш самарадорлиги, сифати ва улардан фойдаланиш даражасини ошириш бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун киритиш;
 - 18) жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очик мулоқотни йўлга қўйиш, шахсий қабулларни, шу жумладан «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси [Конунида](#) ҳамда Қўмитада жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги тегишли ҳужжатларда белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг сайёр қабулларини мунтазам ўтказиш юзасидан самарали ишларни ташкил этиш;
 - 19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, улар фаолиятида фаол иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан келиб тушадиган жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 28 декабрдаги ПФ-4904-сон [Фармонига](#) мувофиқ ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;
 - 20) давлат сири ва маҳфий ахборотлар тоифасига кирувчи маълумотлар билан ишлашда қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш;
 - 21) таркибий бўлинмалар ходимлари фаолиятини тасдиқланган лавозим йўриқномаларига қатъий мувофиқ равишда ташкил этиш;
 - 22) таркибий бўлинмалар ваколатига тегишли масалалар бўйича таҳлилий материалларни Кўмита раҳбарияти учун тайёрлаш;
 - 23) Қўмита таркибий бўлинмалари фаолиятини ўрганиш ҳамда уларга амалий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

5-боб. Қўмита раҳбарларининг жавобгарлиги

- 19. Қўмита раиси:
 - 1) Қўмитага юклangan вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;
 - 2) Қўмитанинг мазкур Низомнинг [15-бандида](#) назарда тутилган жавобгарлик соҳалари бўйича;
 - 3) мазкур Низомнинг [16-бандида](#) белгиланган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан масъулдир.
 - 20. Қўмита раиси ўринbosарлари:
 - 1) Қўмитанинг мутасаддилек қилинадиган таркибий бўлинмаларида Қўмитага юклangan вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;
 - 2) Қўмитанинг мутасаддилек қилинадиган масалалар юзасидан мазкур Низомнинг [15-бандида](#) назарда тутилган жавобгарлик соҳалари бўйича;
 - 3) мазкур Низомнинг [17-бандида](#) белгиланган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан масъулдир.
 - 21. Марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари:
 - 1) тегишли таркибий бўлинмаларга юклangan вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;
 - 2) Қўмита марказий аппаратининг мазкур Низом [15-бандида](#) назарда тутилган жавобгарлик соҳалари бўйича;
 - 3) мазкур Низомнинг 18-бандида белгиланган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан масъулдир.
- #### **6-боб. Қўмита фаолиятини ташкил этиш**
- #### **1-§. Қўмита раҳбарияти**

22. Қўмитага Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган раис раҳбарлик қиласи.
23. Қўмита раисининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган биринчи ўринbosари ва икки нафар ўринbosари бўлади.
24. Қўмита раиси мақомига кўра вазирга, раиснинг биринчи ўринbosари — вазирнинг биринчи ўринbosарига, раис ўринbosарлари — вазир ўринbosарларига тенглаштирилади.
25. Қўмита раиси бўлмаган вақтда, унинг ваколатлари раиснинг биринчи ўринbosари томонидан, у бўлмаган вақтда эса раиснинг тегишли буйруғига асосан бошқа ўринbosар томонидан амалга оширилади.
26. Қўйидагилар:
- 1) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринbosарлари Кўмита раиси билан келишилган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимига тайинланади ва лавозимдан озод этилади;
 - 2) Қўмита марказий аппарати ходимлари, Қўмитага идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари Қўмита раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.
- 2-§. Қўмита марказий аппаратининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринbosарлари ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигини марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари раҳбарлари таъминлайди.**
27. Қўмита марказий аппаратининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринbosарлари ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигини марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари раҳбарлари таъминлайди.
28. Қўмита марказий аппарати таркибий бўлинмалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринbosарлари билан ўзаро ҳамкорликини амалга оширишда:
- 1) топшириқларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринbosарлари ҳамда идоравий мансуб ташкилотларга етказади ҳамда уларнинг ижросини назорат қилиб боради;
 - 2) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринbosарлари ҳамда идоравий мансуб ташкилотларга бевосита таркибий бўлинмалар фаолияти масалалари бўйича сўров жўнатади ва уларнинг ижросини назорат қилиб боради;
 - 3) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринbosарлари ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини текширади ва ўрганади, амалиётини умумлаштиради, такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;
 - 4) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринbosарлари ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятининг ташкил этилиши ва натижалари тўғрисида ҳисбот ва ахборот материаллари, статистик ва бошқа маълумотларни ўрганишни ташкил этади;

- 5) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарлари ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар иш режаларини таҳлил қиласди, уларнинг фаолиятини режалаштиришни такомиллаштириш бўйича чоралар кўради;
 - 6) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарлари ҳамда идоравий мансуб ташкилотлардан келган таклифларни кўриб чиқади;
 - 7) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарлари ҳамда идоравий мансуб ташкилотларнинг норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этишини ташкил этади, улар томонидан қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан келиб тушган таклифларни кўриб чиқади.
29. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарлари ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар Кўмита марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари билан ҳамкорлик қиласди, шу жумладан:
- 1) Кўмита раҳбарияти топшириқларининг ижроси тўғрисида ахборот беради;
 - 2) фаолиятнинг белгиланган соҳасидаги қонун ҳужжатларини амалга ошириш бўйича фаолият натижалари тўғрисида марказий аппаратга маълумот тақдим этади;
 - 3) улар фаолиятини текшириш ва ўрганиш асосида ишда аниқланган камчиликлар ва нуқсонларнинг бартараф этилганлиги натижалари ҳақида ахборот беради;
 - 4) Кўмита марказий аппаратига белгиланган тартибида ва муддатда ўз фаолияти натижалари тўғрисида ҳисбот тақдим этади;
 - 5) комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш секторлари билан ҳамкорлик натижалари ҳақида ахборот беради;
 - 6) ваколатли органлар томонидан ўз фаолиятини текширишлар натижалари ҳақида ахборот беради.

3-§. Қўмитанинг давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик тартиби

30. Кўмита ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди.

31. Кўмита фаолияти Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмалари томонидан назорат қилинади.

4-§. Қўмитанинг ҳайъати, кенгаш, маслаҳат ва эксперт органлари

32. Қўмитада раис (ҳайъат раиси), унинг ўринбосарлари (лавозими бўйича) ҳамда фаолиятнинг асосий йўналишларида мутасаддилик қиласиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари таркибидан иборат ҳайъат ташкил этилади.

Ҳайъат аъзоларининг сони ва шахсий таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан Кўмита раиси тақдимномаси бўйича тасдиқланади.

Ҳайъатга қўйидаги вазифалар юкландади:

- 1) Кўмитанинг мазкур Низом билан белгиланган асосий йўналишларини тайёрлаш ва амалга ошириш;
- 2) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларида белгиланган вазифалар билан юклangan вазифаларнинг Кўмита тизимидағи раҳбарлар ва ходимлар томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш чораларини кўрган ҳолда, таркибий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг ҳисботларини тизимли эшлиб бориш;

3) Қўмита фаолияти соҳасидаги ҳудудий ва тармоқ дастурларини амалга ошириш ҳолатининг натижадорлигини ҳар чоракда ва тизимли муҳокама қилиб бориш;

4) Қўмита фаолияти соҳасидаги долзарб масалалар муҳокамасини жойларда таъминлаган ҳолда, ҳайъатнинг кенгайтирилган сайёр йиғилишлари ўтказилишини ташкил этиш ҳамда юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

5) Қўмитанинг марказий аппарати номенклатурасига кирувчи лавозимларга кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларини кўриб чиқиш;

6) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари билан белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида Қўмита раҳбарлари ва ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш ва шахсий жавобгарлигини ошириш.

Ҳайъат, шунингдек, Қўмита ваколатига тегишли бошқа масалаларни ҳам муҳокама этиш хукуқига эга.

33. Ҳайъат йиғилишига Қўмита ваколатига тегишли масалалар юзасидан давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва эксперт мутахассислари таклиф этилиши мумкин.

34. Ҳайъат, агар унинг йиғилишида аъзоларнинг ярмидан кўпи иштирок этган тақдирда, ҳақиқий деб ҳисобланади. Муҳокама этилаётган масалалар юзасидан қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

35. Ҳайъат қарорлари Қўмита раиси буйруги билан тасдиқланади.

36. Қўмита раиси ва ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Вазирлар Маҳкамасига юзага келган келишмовчиликлар ҳақида Қўмита раиси ахборот беради ва мустақил қарор қабул қиласи. Шунингдек, ҳайъат аъзолари ҳам Вазирлар Маҳкамасига ўз фикрларини маълум қилишлари мумкин.

37. Ҳайъат фаолиятининг тартиби ҳайъат томонидан тасдиқланадиган регламент билан белгиланади.

7-боб. Қўмита фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва ишчи индикаторлари

38. Қўмита фаолияти мунтазам баҳолаб борилади.

39. Қўмита фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш Қўмита фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва ишчи индикаторларига асосланади.

40. Қўмита фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича:

1) Қўмита раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки уларга нисбатан интизомий жазо чоралари;

2) Қўмита фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада тақомиллаштириш чоралари кўрилади.

41. Қўмита фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби ва услуби Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

8-боб. Қўмита фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш

42. Қўмитани молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

43. Қўмита ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, рағбатлантиришлар, қўшимча тўловлар, устамалар ва бошқа тўловлардан иборат.

44. Қўмита ходимларининг лавозим маоши Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядлари асосида белгиланади.

9-боб. Қўмита ҳисобдорлиги

45. Қўмита раҳбарлари ўз фаолиятлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмалари ва Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.
 46. Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти Қўмита раҳбарларининг фаолиятини уларга юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши бўйича доимий мониторинг олиб боради, Қўмита фаолияти самарадорлигини холисона баҳолайди.
 47. Мониторинг ва баҳолаш натижаларига кўра, Қўмитанинг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантириш чоралари кўрилади.
- 10-боб. Якунловчи қоида**
48. Қўмита қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 ноябрдаги 946-сон [қарорига](#)

2-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айrim қарорлари

РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 23 апрелдаги 196-сон [қарори](#).
2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш бўйича айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2010 йил 5 июндаги 108-сон қарорига илованинг [39-банди](#).
3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида» 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-360-сон хамда «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2015 йил 31 декабрдаги ЎРҚ-398-сон қонунлари)» 2016 йил 26 апрелдаги 122-сон қарорига 1-илованинг [70-банди](#).
4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Идораларро коллегиал органларни тубдан қисқартириш ва янада оптимальлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 28 августдаги ПФ-5527-сон Фармони)» 2019 йил 23 февралдаги 161-сон қарорига 1-илованинг [5-банди](#).

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.11.2019 й., 09/19/946/4065-сон)